

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТУМАН КЕНГАШИНИНГ ҚИРҚ БЕШИНЧИ СЕССИЯСИ



ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТУМАН КЕНГАШИНИНГ ҚИРҚ БЕШИНЧИ СЕССИЯСИ

КУН ТАРТИБИ

- йил 28 апрел

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 31 мартдаги “Хотин-қизлар муаммоларини ўрганиш ва ҳал этиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 145-сонли қарорининг ижросини таъминлаш юзасидан туман секторлар раҳбарлари ҳамда ишчи гуруҳининг туманда “Аёллар дафтари”нинг 3-босқичини ташкил этиш бўйича “Йўл харитаси”ни тасдиқлаш тўғрисида.
2. Бошқа масалалар.

**Халқ депутатлари туман Кенгашининг
қирқ бешинчи сессияси**

ИШ РЕГЛАМЕНТИ

- | | | | |
|----|-----------------------|---|---------------|
| 1. | Маърузалар учун | - | 15 дақиқагача |
| 2. | Сўзга чиқувчилар учун | - | 3 дақиқагача |
| 3. | Маълумотлар учун | - | 3 дақиқагача |

1-масала ЛОЙИХА

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ҚУМҚЎРҒОН ТУМАНИ КЕНГАШИНИНГ ҚАРОРИ

Қумқўрғон тумани, Ўзбекистон шоҳ кўчаси 1-уй. 190900, [тел.: \(+99876\)46-52-511](tel:+998764652511)

20__-йил “__” _____ -сон

Қумқўрғон т.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 31 мартдаги “Хотин-қизлар муаммоларини ўрганиш ва ҳал этиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 145-сонли қарорининг ижросини таъминлаш юзасидан туман секторлар раҳбарлари ҳамда ишчи гуруҳининг туманда “Аёллар дафтари”нинг 3-босқичини ташкил этиш бўйича “Йўл харитаси”ни тасдиқлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 31 мартдаги “Хотин-қизлар муаммоларини ўрганиш ва ҳал этиш тизимини янада

такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 145-сонли қарорининг ижросини таъминлаш юзасидан туман секторлар раҳбарлари ҳамда ишчи гуруҳининг туманда “Аёллар дафтари”нинг 3-босқичини ташкил этиш бўйича “Йўл харитаси”ни тасдиқлаш тўғрисида туман ҳокимининг ўринбосари - оила ва хотин-қизлар бўлими бошлиғи Н.Жумаеванинг ахборотини муҳокама қилиб, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 6- ва 24-моддаларига мувофиқ халқ депутатлари туман Кенгаши **қарор қилади:**

1. Туман ҳокимининг ўринбосари - оила ва хотин-қизлар бўлими бошлиғи Н.Жумаеванинг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 31 мартдаги “Хотин-қизлар муаммоларини ўрганиш ва ҳал этиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 145-сонли қарорининг ижросини таъминлаш юзасидан туман секторлар раҳбарлари ҳамда ишчи гуруҳининг туманда “Аёллар дафтари”нинг 3-босқичини ташкил этиш бўйича “Йўл харитаси”ни тасдиқлаш тўғрисидаги ахбороти маълумот учун қабул қилинсин.
2. “Аёллар дафтари” рўйхатига киритилган хотин-қизлар рўйхати 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.
3. “Аёллар дафтари”га киритилган хотин-қизлар муаммоларини ҳал этиш бўйича “Йўл харитаси” 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.
4. Хотин-қизларнинг муаммолари, эҳтиёжлари ва қизиқишларини ўрганиш бўйича туманда “Аёллар дафтари”ни шакллантириш бўйича тузилган ишчи гуруҳи (Н.Жумаева)га:

- секторлар ишчи гуруҳлари ва маҳаллалардаги хотин-қизлар фаоллари томонидан маҳаллаларда фуқаролар йиғинлари раислари ва фаоллари билан биргаликда барча йўналишдаги муаммоларни ҳар йили январ ойида уйма-уй юриш орқали аниқлаш;

- хотин-қизларнинг мурожаатларини “Аёллар маслаҳат кенгаши”да кўриб чиқиш;

- “Аёллар маслаҳат кенгаши”га ва ахборот тизими орқали мурожаат қилинган ҳолатда анкета-сўровномалар маҳаллалардаги хотин-қизлар фаоллари томонидан тўлдирилиб, сектор ишчи гуруҳига тақдим қилинади.

- секторлар раҳбарлари муаммоларнинг ҳаққонийлигини ўрганади ҳамда “Аёллар дафтари”га киритилиши керак бўлган хотин-қизлар рўйхатини туман ишчи гуруҳига тақдим этади.

- анкета сўровномалар тўлдирилгандан сўнг 3 кун муддатда туман ҳокимининг молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича биринчи ўринбосари (М/Қултаев), туман тиббиёт бирлашмаси (Р.Қўйлиев), туман аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази (У.Сафаров), туман ИИБ (Н.Нарзуллаев), туман давлат солиқ инспекцияси (З.Турсунов), кадастр палатаси туман филиали (А.Тожиев), бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси туман бўлими ва бошқа ташкилотларнинг маълумотлари билан солиштирилади ҳамда хотин-қизларнинг ижтимоий ҳимояга муҳтожлик даражаси (тоифаси) аниқланиб, туман секторлар раҳбарлари ва оила ва хотин-қизлар бўлими томонидан индивидуал дастури шакллантириш вазифаси юклатилсин.

5. Туман ҳокимлиги ахборот хизмати ва “Қумқўрғон садоси” газетаси таҳририяти (Р.Менгзияева)га хотин-қизларнинг муаммолари, эҳтиёжлари ва қизиқишларини ўрганиш бўйича туманда “Аёллар дафтари”нинг 3-босқичи бўйича олиб борилаётган ишларни кенг миқёсда тарғиб қилиш, амалга оширилаётган ишларни оммавий ахборот воситаларида ёритиб бориш тавсия этилсин.
6. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш халқ депутатлари туман Кенгашининг ижтимоий-маданий соҳани ривожлантириш, оила, хотин-қизлар ва ёшлар масалалари бўйича доимий комиссияси (З.Аллаярова) ва туман ҳокимининг ўринбосари, оила ва хотин-қизлар бўлими бошлиғи Н.Жумаева зиммаларига юклатилсин.
7. Ушбу қарор қабул қилинган кундан кучга киради.

Кенгаш раиси

Р.Гаппаров

2022 йилда Сурхондар вилояти Қумқўрғон тумани бўйича “Аёллар дафтари”га киритиладиган хотин-қизларга кўрсатиладиган амалий ёрдамлар прогнози

Т/р	Худудлар номи	30 ёшдан юқори бўлган хотин-қизлар сони	"Аёллар дафтари" прогнози	Шундан:		
				1.	2.	3.
				Ижтимоий ҳимояга муҳтож ишсиз хотин-қизлар сони	Тадбиркорлик Боқилиш истагида бўлган эҳтиёжманд хотин-қизлар сони	Боқилиш истагида бўлган эҳтиёжманд хотин-қизлар сони

	3.1. Уй-жойи таъмирланадиган хотин- қизлар сони	4.1. Уй-жойи таъмирланадиган хотин- қизлар сони	5.1. Уй-жой билан таъминланадиган хотин- қизлар сони	5.2. Ижара компенсация тўлаб бериладиган хотин- қизлар сони	6.1. Томорқадан унумли фойдаланиш учун ёрдам бериладиган хотин-қизлар сони	
Қумқўрғон тумани	43212		Режа	3120	735	103
			амалда	3120	735	103
			фоиз	100,0	100,0	100,0
1-сектор	14866		Режа	1026	192	40
			амалда	1026	192	40
			фоиз	100,0	100,0	100,0
2-сектор	6800		Режа	493	99	8
			амалда	493	99	8
			фоиз	100,0	100,0	100,0
3-сектор	6516		Режа	559	145	17
			амалда	559	145	17

4-сектор	15030	амалда	1042	299	38	32
		фоиз	100,0	100,0	100,0	100,0
		Режа	1042	299	38	32
		фоиз	100,0	100,0	100,0	100,0
фоиз	100,0					17

ЙЎЛ ХАРИТАСИ

И. Ижтимоий ҳимояга муҳтож ишсиз хотин-қизлар бандлигини таъминлаш, кас

2.

Туманда инвестиция дастурларига киритилган лойиҳаларда хотин-қизлар учун яратилаётган янги иш ўринларига “Аёллар дафтари”га киритилган ишсиз хотин-қизларни ишга жойлаштириш чораларини кўриш.

“Аёллар дафтари”га киритилган ишсиз хотин-қизларни инвестиция дастурларига киритилган лойиҳаларда хотин-қизлар учун яратилаётган янги иш ўринларига ишга жойлаштириш ишларни таъмин этиш.

3.

“Аёллар дафтари”га киритилган касб-ҳунарга эга бўлмаган 470 нафар ишсиз хотин-қизларни касб-ҳунарга ўқитиш, қайта тайёрлаш ва уларни малакасини ошириш курслари ўқувини ташкил этиш.

1. Аёллар дафтарида киритилган хотин-қизларнинг тикувчилик, тадбиркорлик ва бошқа меҳнат бозорида талаб юқори бўлган касб-ҳунарга ўқитиш, қайта тайёрлаш ва уларни малакасини ошириш курслари ўқитиш.

4.

Тадбиркорлик ва ўзини ўзи банд қилиш фаолиятини бошламоқчи бўлган 45 нафар хотин-қизларга асбоб-ускуна, меҳнат қуроллари харид қилиш учун субсидия ажратиш.

Тадбиркорлик ва ўзини ўзи банд қилиш фаолиятини бошламоқчи бўлган хотин-қизларга асбоб-ускуна, меҳнат қуроллари (тикувчилик, тўқимачилик, пазандачилик, соч турмаклаш, дурадгорлик, чилангарлик, қурилиш, қишлоқ хўжалиги (мотокултиватор, ўт ўрди, ўроқ машинаси, пайвандлаш аппарати, ўсимликларга ишлов бериш қурilmаси) ва ҳоказо соҳаларда ишлатиладиган меҳнат қуроллари (аппаратлари)ни харид қилиш учун субсидия ажратиш

5.

Деҳқон хўжалигини юритиш истаги бўлган хотин-қизларга эр участкаларни очик электрон танлов орқали ижарага бериш.

Деҳқон хўжалигини юритиш учун участкаларида мева-сабзавотчиларнинг полиз маҳсулотларини этиштириш, ўзини-ўзи банд қилиш учун 0,10 гектардан 1 гектаргача бўлган ўлчамларда ёпиқ ауксияон орқали ажратиш, энгил конструкцияли иссиқхоналар ўрнатиш, парранда, асалари, қуён, балиқ ва бедана боқишни йўлга қўйиш, деҳқончилик билан шуғулланиш, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини этиштириш, қайта ишлаш, сақлаш ва сотиш ишлари ҳар томонлама қўмаклашиш, “Тош ҳизмати” ташкилотлари ва “Дала дўконлари”ни ташкил этиш

ИИ. Тадбиркорлик қилиш истагида бўлган эҳтиёжманд хотин-қизларга қарати

6.

“Аёллар дафтари”га киритилган тадбиркорлик билан шуғулланиш истагини билдирган 58 нафар хотин-қизларни махсус ўқитиш дастури бўйича ўқитилишини таъминлаш.

1. Маҳаллалар кесимида “Аёллар дафтари”га киритилган тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш истагини билдирган хотин-қизлар билан бирмунча суҳбат ўтказиш.

2. Кредит олиш истаги бор хотин-қизларни кредит олиш тартиб-тамойили, уни мақсадли ишлатиш ҳамда амалга оширилган ишлар натижасида эришиладиган кўрсаткичлар бўйича тадбиркорликни кўмаклашиш.

3. Тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш истагида бўлган хотин-қизларга банк кредитларини олиш учун зарур бўлган ҳужжатларни, бизнес-режаларини ишлаб чиқиш амалий ёрдам кўрсатиш.

7.

“Аёллар дафтари”га киритилган 58 нафар хотин-қизларни иш билан таъминлашга қаратилган лойиҳаларини молиялаштириш учун банк кредитини ажратиш.

“Аёллар дафтари”га киритилган, бироқ кредит олишни рад қилган хотин-қизларнинг доимий бандлиги таъминлаш мақсадида тадбиркор субъектларининг “Аёллар дафтари”га киритилган хотин-қизларни иш билан таъминлашга қаратилган лойиҳаларини молиялаштириш учун банк кредитини ажратишга амал қилмасдан кўрсатиш. Бунда кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан “Аёллар дафтари”га киритилган хотин-қизларни доимий иш билан таъминлаш шарти билан самарадорлиги юқори ва барқарор ўринлари яратишга қаратилган лойиҳаларига Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш Давлат дастурлари доирасидаги ресурслар ҳисобидан 225 миллион сўмдан ортиқ, бироқ 1 миллиард сўмдан кўп бўлмаган миқдорда белгиланган тартиб асосида кредит ажратилиши мумкин.

8.	“Аёллар дафтари”га киритилган аёлларга молиявий кўмак бериш. Тумандаги оғир ижтимоий аҳволдаги, ногиронлиги бўлган хотин-қизларнинг муаммоларини ўрганиш ва ҳал қилишда амалий ёрдам бериш.	Хотин-қизлар томонидан билдирган таклифлар ва мавжуд шароитдаги келиб чиқиб, тумандаги моддий кўмакга муҳтож хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш мақсадида манзилли чораларни белгилаш. Бу уларнинг: -тикув машинаси; -иссиқхона қуриб бериш; -микротўлқинли печларни бериш; -ўз-ўзини банд қилиш орқали даромад манбаига эга бўлишини таъминлаш.
----	---	---

ИИИ. Боқувчисини йўқотган эҳтиёжманд хотин-қизларни қўллаб-қувватлашга к

9.	“Аёллар дафтари”га киритилган 1090 нафар хотин-қизларнинг жамиятда фаоллигини ошириш. Халқ депутатлари туман кенгашларида хотин-қизларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда фаол иштирокини таъминлаш.	1.Секторлар раҳбарларининг мутасадди идоралар вакиллари билан бириктирилган ҳудуддаги ҳар бир фуқаро йиғинида “Аёллар дафтари”га киритилган хотин-қизлар муаммоларини ўрганиш ва ҳал этиш мақсадида бириктириш.
10.	Боқувчисини йўқотган эҳтиёжманд 1090 нафар хотин-қизларнинг яшаш шароитларини ўрганиш.	1.Сектор кесимида маҳаллабай рўйхатни шакллантириш. 2.Уйма уй юриш орқали уларнинг ҳолидан хабар олиш билан бирга муаммоларини ўрганиб, амалий ёрдам бериш.

- | | | |
|-----|--|---|
| 11. | Боқувчисини йўқотган оғир турмуш шароитидаги 41 нафар хотин-қизларнинг уй-жойини таъмирлаш. | 1. Боқувчисини йўқотган оғир турмуш шароитидаги уй-жойи таъмирлашга муҳтож хотин-қизлар муаммоларини ўрганиш. |
|-----|--|---|

ИВ. Ижтимоий ёрдамга муҳтож I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган, шунингдек, бериш тизимини йўлга қўйиш.

- | | | |
|-----|--|---|
| 12. | Ижтимоий ёрдамга муҳтож I ва II-гуруҳ ногиронлиги бўлган 632 нафар хотин-қизларга молиявий ёрдам бериш чораларини кўриш | 1. Меҳнатга қобилиятсиз ўзгалар парваришига муҳтож хотин-қизлар муаммоларини аниқлаш ва амалий ёрдам бериш. |
|-----|--|---|

- | | | |
|-----|---|--|
| 13. | Оғир турмуш шароитида яшовчи I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлганеҳтиёжманд 22 нафар хотин-қизларнинг уй-жойини таъмирлаш. | 1. Оғир турмуш шароитидаги I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлганеҳтиёж хотин-қизларнинг уй-жойи таъмирлашга муҳтож хотин-қизлар муаммоларини ўрганиш. |
|-----|---|--|

- | | | |
|-----|--|---|
| 14. | <p>“Аёллар дафтари”га киритилган 632 нафар И ва ИИ гуруҳ ногиронлиги бўлган ёки сурункали ҳамда юқумли касалликларга чалинган эҳтиёжманд хотин-қизларнинг ва (ёки) уларнинг вояга этмаган (қарамоғида И гуруҳ ногиронлиги бўлган фарзандларининг ёшидан қатъий назар) фарзандларининг, лозим бўлганда И гуруҳ ногиронлиги бўлган шахсларга ҳамроҳлик қилувчининг даволаниш амалиёти учун Ўзбекистон Республикасининг бошқа ҳудудида жойлашган тиббий муассасаларга бориш-келиш йўл харажатларини қоплаб бериш.</p> | <p>Аёллар дафтари”га киритилган И ва ИИ гуруҳ ногиронлиги бўлган ёки сурункали ҳамда юқумли касалликларга чалинган эҳтиёжманд хотин-қизларнинг муаммоларини ҳал қилиш.</p> |
| 15. | <p>“Аёллар дафтари”га киритилган оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган, ногиронлиги бўлган эҳтиёжманд 548 нафар хотин-қизлар ва уларнинг фарзандларини реабилитасия воситалари билан таъминлаш.</p> | <p>“Аёллар дафтари”га киритилган оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган ногиронлиги бўлган эҳтиёжманд хотин-қизлар ва уларнинг фарзандларини реабилитасия воситалари билан таъминлашга кўмаклашиш.</p> |

В. Уй-жойга муҳтож эҳтиёжманд хотин-қизларни қўллаб-қувватлашга қаратилган

16.	“Аёллар дафтари”га киритилган уй-жойга эҳтиёжи бор, 8 нафар аёлларга уй-жой олиш тартиблари тушунтирилиб, ҳужжатларини расмийлаштиришда кўмаклашиш.	1. Маҳаллалар кесимида оғир тушунтириш шароитидаги ҳамда ногиронлиги бўлган уй-жойга муҳтож хотин-қизларнинг рўйхатини шакллантириш. 2. Уй-жойга муҳтож хотин-қизларнинг ҳужжатларини жамлаш ва туман комиссиясига тақдим қилиш. 3. Хотин-қизларни ва оилани қўллаб-қувватлаш давлат мақсадли жамғармаси ҳисобидан биринчи тўловларни амалга ошириш.
17.	Уй-жой шароитларин яхшилашга муҳтож 4 нафар аёлларнинг турар жой ижараси учун компенсация тўловлари учун пул маблағлари ажратиш	1. Уй-жой шароитини яхшилашга муҳтож ногиронлиги бор аёлларнинг жой шароитларини ўрганиш. 2. Зарурий маблағни ҳисоблаб чиқариш. 3. Маблағни ажратиш.
18.	Ипотека кредити бўйича бошланғич бадални тўлаб бериш ва фоиз тўловларининг бир қисмини қоплаш учун субсидия ажратиш.	Ипотека кредити бўйича бошланғич бадални тўлаб бериш ва фоиз тўловларининг бир қисмини қоплаш учун субсидия ажратиш.
19.	Ипотека кредити бўйича бошланғич бадални тўлаб бериш.	Ипотека кредити бўйича бошланғич бадални тўлаб бериш

ВИ. Қарамоғида бир ва ундан ортиқ 1 ёки 2-гурӯҳ ногиронлиги бўлган болалар

20. Қарамоғида бир ва ундан ортиқ 1 ёки 2-гуруҳ ногиронлиги бўлган болалари мавжуд 548 нафар ёлғиз аёлларга ижтимоий-ҳуқуқий, психологик, тиббий ва молиявий кўмак бериш тизимини йўлга қўйиш.
- 1.Тиббий кўрикдан ўтказиш орқали муаммоларини аниқлаш.
- 2.Тиббий, молиявий ва психологик кўмакни ташкил этиш.

21. Тумандаги томорқадан ва деҳқончиликдан даромад манбаи сифатида фойдаланиш учун кўмаклашиш, жумладан, қуйидаги мақсадлар учун кредит ажратиш:
- Томорқадан ва деҳқончиликдан даромад манбаи сифатида фойдаланиш учун кўмаклашиш, жумладан, энгил конструкцияли иссиқхоналар ўрнатиш, парранда асалари, қуён, балиқ ва бедана боқишни йўлга қўйишга кўмакли

ВИИ. Тиббий ёрдам олишга муҳтож хотин-қизларга тиббий ёрдам бериш чора-

22. “Аёллар дафтари”га киритилган хотин-қизлар, шунингдек, уларнинг вояга етмаган (қарамоғида И гуруҳ ногиронлиги бўлган фарзандларининг ёшидан қатъий назар) фарзандларига тиббий ёрдам кўрсатиш.
- 1.Сектор ҳудудий комиссияси томонидан ўрганиб чиқиш.
- 2.Санитария муассасидан шифокор жалб қилиш.
23. Ўзи ва биргаликда яшовчи оила аъзолари оғир ижтимоий вазиятда бўлган, сурункали ёки оғир ногиронликга олиб келувчи касалликга чалинган, ногиронлик гуруҳи белгиланмаган, этарли даромадга эга бўлмаган аёлларни кўрикдан ўтказиш ва тиббий ёрдам кўрсатиш.
- 1.Уйма уй юриш орқали уй шароитларини ўрганиш.
- 2.Тиббий ёрдам кўрсатиш учун зарурий маблағни аниқлаш.
- 3.Даволаниш учун ордер олишда кўмак бериш.

24.

“Аёллар дафтари”га киритилган аёлларга тиббий кўмак бериш. Тумандаги оғир ижтимоий аҳволдаги ногиронлиги бўлган хотин-қизларнинг муаммоларини ўрганиш ва ҳал қилишда амалий ёрдам бериш.

Хотин-қизлар томонидан билдирган таклифлар ва мавжуд шароитда қилиб чиқиб, тумандаги ногиронлиги бўлган хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш мақсадида манзилли чораларни белгилаш. Бунда, уларнинг:

- реабилитация воситалари билан;
- зарур тиббий ёрдам кўрсатиш ва соғломлаштириш чораларини кўриб

25.

Хотин-қизлар саломатлигини мустаҳкамлаш, улар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш мақсадида босқичма-босқич соғломлаштириш чораларини кўриш.

1. Хотин-қизлар ўртасида нисбатан кўп учраётган касалликларни таъминлаш этиш;
2. Таҳлиллар асосида ҳудудларда турли йўналишда соғломлаштириш марказлар ташкил этиш ва фаолиятини йўлга қўйиш

ВИИИ. Ҳуқуқий ёрдам олишга муҳтож хотин-қизларга ҳуқуқий ёрдам бериш чоралари

26.

Ҳуқуқий қонуний манфаатлар бузилган хотин-қизларга амалий ёрдам кўрсатиш;

Судга мурожаат қилиш тартибини тушунтириш;

Судга мурожаат қилиш учун керак бўладиган ҳужжатларни расмийлаштиришга кўмаклашиш;

“Аёллар дафтари”га киритилган хотин-қизларга сайёр қабуллар ўтказиш.

	Тазйиқ ва зўравонликдан жабрланган хотин-қизларни таҳдидлардан ҳимоя қилиш;	
27.	Такрорий зўравонлик содир этилишининг олдини олиш; Профилактик суҳбатдан ўтказиш; Ҳимоя ордери талабларининг ижросини назорат қилиш.	“Аёллар дафтари”га киритилган хотин-қизларга сайёр қабуллар ўтказиш.
28.	“Аёллар дафтари”га киритилган хотин-қизларга ҳуқуқий маслаҳатлар бериш.	“Аёллар дафтари”га киритилган хотин-қизларга сайёр қабуллар ўтказиш.
29.	Хотин-қизларни қўллаб-қувватлашга доир давлат сиёсатининг самарали амалга оширилишини таъминлаш мақсадида уларнинг ижтимоий-ҳуқуқий саводхонлигини ошириш.	1. “Аёллар дафтари”га киритилган хотин-қизларнинг ижтимоий-ҳуқуқий саводхонлик даражасини аниқлаш ва вазиятини бирламчи баҳолаш ҳақида ушбу аёллар билан олиб бориладиган ишларни режалаштириш. 2. Маҳаллалардаги “Аёллар дафтари”га киритилган хотин-қизлар учун Адлия бўлими раҳбарлари ва мутасадди идоралар вакилларининг маҳаллаларда ҳар ойда бир марола қабул кунларини белгилаш. 3. Қабул жараёнида хотин-қизларнинг бепул ҳуқуқий маслаҳатлар ташкил этиш, аёллар тўғрисидаги мавжуд қонунчилик ҳужжатлари билан таништириш тизимини йўлга қўйиш.

ИХ. Психологик маслаҳатга муҳтож хотин-қизлар билан манзилли ишларни ташкил этиш

- | | | |
|-----|---|--|
| 30. | Оилавий ва шахслараро низолар, руҳий-жисмоний зўрлик ва ўз жонига қасд қилишга мойил хулқ-атворнинг олдини олиш. | <div>1. Психологик маслаҳатга муҳтож аёллар билан психолог кўригини ташкил этиш.</div> <div>2. Психологик маслаҳатга жалб қилинган хотин-қизлар билан психолог кўригини ташкил этиш.</div> |
| 31. | Тазйиқ ва зўравонликдан жабрланган, оғир ҳаётий шароитга тушиб қолган ҳамда пробасия рўйхатида турувчи хотин-қизларга психологик ёрдам кўрсатиш | <div>1. Секторлар кесимида тазйиқ ва зўравонликдан жабрланган, оғир ҳаётий шароитга тушиб қолган ҳамда пробасия рўйхатида турувчи аёллар билан ишлаш учун маҳалла ҳудудларида жойлашган таълим муассасалари билан ҳамкорликда зўрлик ишлатишдан жабр кўрган хотин-қизларни реабилитация қилиш, мослаштириш ҳамда ўз жонига қасд қилишнинг олдини олиш мақсадида марказларида фаолият олиб бораётган психологларни жалб этиш.</div> <div>2. “Аёллар дафтари” киритилган хотин-қизлар учун психологик суҳбатлар ва тренинг машғулотларини ташкил этиш.</div> |

		1. Сектор раҳбарлари, оила ва хотин-қизлар бўлими масъуллари томонидан “Аёллар дафтари”га киритилган аёлларни жойига чиққан ҳолда маҳаллалар кесимида ўрганиш.
32.	“Аёллар дафтари”га киритилган аёлларни ижтимоий, психологик, тиббий жиҳатдан ҳолати яхшиланганлиги, доимий даромад манбаи яратилганлиги бўйича мониторинг олиб бориш.	2. Ўрнатилган тартибга кўра аёлларнинг даромадлари тўғрисида солиқ органларидан маълумот олиб мониторинг қилиш.
		3. Муаммоси бартараф этилган аёлларни “Аёллар дафтари”дан чиқариш бўйича Халқ депутатлари Термиз туман кенгашлари муҳокамасига киритиш.
33.	“Аёллар дафтари”га киритилган хотин-қизлар учун маданий-маърифий, спорт ва бошқа тадбирлар ташкил этиш.	“Аёллар дафтари”га киритилган хотин-қизлар учун маданий-маърифий, спорт ва бошқа тадбирлар ташкил этиш.
34.	“Аёллар дафтари”га киритилган 385 нафар хотин-қизларнинг саёҳатларини ташкил этиш.	“Аёллар дафтари”га киритилган хотин-қизларнинг саёҳатларини ташкил этиш.

Х. “Аёллар дафтари” рўйхатига киритилган хотин-қизларни қўллаб-қуватлашга қаратилган чора-тадбирлар ижросини мониторинг қилиш

35.	Тақдим қилинган маълумотларни таҳлил қилиб бориш.	Амалга оширилган ишларни тегишли ташкилот ва идоралар раҳбарлари билан ҳамда ҳоким ёрдамчилари билан биргаликда таҳлил қилиб бориш.
-----	---	---

36.	Индивидуал дастурларда белгиланган чора-тадбирлар ижроси ва унинг ҳаққонийлигини назорат қилиш.	Сектор раҳбарлари, туман оила ва хотин-қизлар бўлимлари бошлиқлари, масъул ташкилотлар раҳбарлари Индивидуал дастурларда белгиланган чора-тадбирлар ижроси ва унинг ҳаққонийлигини бўйича ҳар ой якунида халқ депутатлари туман (шаҳар) кенгашига ахборот бериш.
37.	Халқ депутатлари маҳаллий Кенгаш сессияларида ҳисобот бериш.	Халқ депутатлари маҳаллий Кенгаш сессияларида секторлар, идора ва ташкилотлар раҳбари, оила ва хотин-қизлар бўлими бошлиқларининг ҳисоботини эшитиш.
38.	“Аёллар дафтари” билан ишлаш механизмини оммавий ахборот воситалари ҳамда ижтимоий тармоқлар орқали кенг ёритиб бориш.	1.Телевидение ва оммавий ахборот воситалари учун “Аёллар дафтари” билан ишлаш механизмига доир чиқишлар тайёрлаш. 2.“Аёллар дафтари” билан ишлаш механизмини кенг жамоатчиликтик асосда тарғиб этиш ва қўллаб-қувватлаш.

2-масала ЛОЙИХА

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ҚУМҚЎРҒОН ТУМАНИ КЕНГАШИНИНГ ҚАРОРИ

Қумқўрғон тумани, Ўзбекистон шоҳ кўчаси 1-уй.190900, [тел.: \(+99876\)46-52-511](tel:+998764652511)

20__-йил “__” _____-сон

Қумқўрғон т.

Тумандаги боғдорчилик, узумчилик ва мева-сабзавотчилик йўналишларида фаолият олиб бораётган фермер хўжаликлар бўйича туман Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари Кенгаши раиси А.Самадовнинг ҳисоботи тўғрисида

О‘збекистон Республикаси Президентининг 2018-йил 26-апрелдаги “Фермер, деҳқон хо‘жаликлари ва томорқа ер эгалари фаолиятини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар то‘ғ‘рисида”ги ПҚ-3680-сонли қарори асосида туман фермер, деҳқон хо‘жаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши раиси А.Самадовнинг ахбороти тингланиб, халқ депутатлари Қумқўрғон тумани Кенгаши

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:

1.Тумандаги боғдорчилик ва сабзавотчилик йўналишларида фаолият олиб бораётган фермер хўжаликлар бўйича Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари Кенгаши раиси А.Самадовнинг ҳисоботи маълумот учун қабул қилинсин.

2. Туман ҳокимининг қишлоқ ва сув хўжалик масалалари бўйича ўринбосари Қ.Алматов, туман ҳокимлигининг бош юрисконсулти Ф.Холтўраевга:

- тумандаги боғдорчилик, узумчилик ва мева-сабзавотчилик йўналишларида фаолият олиб бораётган иловадаги фермер хўжаликлари томонидан ерлардан, самарасиз ва ноқонуний фойдаланишига йўл қўяётган фермер хўжаликларнинг фаолиятини тубдан ўрганиб қонунда белгиланган тартиблар асосида чоралар кўриш вазифаси юклатилсин.

3. Ушбу қарор ижросини назорат қилиш халқ депутатлари Қумқўрғон туман Кенгашининг Аграр, сув хўжалиги, экология масалалари бўйича доимий

комиссияси раиси А.Самадов зиммасига юклатилсин.

4. Ушбу қарор қабул қилинган кундан кучга киради.

Кенгаш раиси

Р.Гаппаров

**Қумқўрғон туманидаги БОҒДОРЧИЛИК, МЕВА САБЗАВОТЧИЛИК фаолияти билан
фермер хужаликларининг солиқлар ва мажбурий тўловлардан ҳосил бўлган ка**

№	ИНН	Фермер хўжалик номи	Жами солиқ қарзи минг сўм	МАНЗИЛ
1	305624864	Абдивохид тоқзори ФХ	39049,3	И-сектор
2	305842182	Дилфараб ФХ	17853,8	ИБ-сектор
3	306013034	Хуросон импекс МЧЖ	17400,3	ИИИ-сектор
4	301832561	Қумқўрғон барака серхосил боғи ФХ	17175,2	ИИИ-сектор
5	304454294	Зайниддин Зоирович ФХ	16324,8	ИИИ-сектор
6	304415832	Шерназаров Хушмамат ФХ	15743,1	ИИИ-сектор
7	306307807	Агроголден файз ФХ	15325,7	ИИ-сектор
8	304414826	Қумқўрғон заркамари ФХ	14488,0	И-сектор

9	305552504	Боғи Дилкушо ФХ	13097,6	И-сектор
10	302884164	Холмирза Нозима ФХ	11677,7	И-сектор
11	301388308	Худойберган Алланазаров ФХ	11124,1	И-сектор
12	304609051	Эргаш Чориев ФХ	10071,9	И-сектор

3-масала ЛОЙИХА

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ҚУМҚЎРҒОН ТУМАНИ КЕНГАШИНИНГ ҚАРОРИ

Қумқўрғон тумани, Ўзбекистон шоҳ кўчаси 1-уй. 190900, [тел.: \(+99876\)46-52-511](tel:+998764652511)

20__-йил “__” _____ -сон

Қумқўрғон т.

Туман ҳокимининг сессиялар оралиғидаги қарорларини тасдиқлаш тўғрисида.

Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 2-, ва 24-моддаларига асосан Халқ депутатлари **Қумқўрғон** туман Кенгаши **қарор қилади:**

1. Туман ҳокимининг:

- 2022 йил 25 мартдаги **“Джумаев Бахтиёр Бегматовични Қумқўрғон** тумани ҳокими ўринбосари – Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғи лавозимидан озод этиш тўғрисида”ги 76-8-114-Қ/22-сонли;

- 2022 йил 25 мартдаги **“Жумаева Нигора Абдиғофоровнани Қумқўрғон** тумани ҳокимининг ўринбосари – Оила ва хотин-қизлар бўлими бошлиғи вазифасини бажарувчи лавозимига тайинлаш тўғрисида”ги 78-8-114-Қ/22-сонли;

2. Ушбу қарор қабул қилинган кундан кучга киради.

Кенгаш раиси

Р.Гаппаров

